



# Наврўзи олам муборак бўлсин!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat



# АДОЛАТ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 12 (1076) • 2016-yil, 18-mart, juma

## ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Партиялараро сиёсий рақобат муҳитида давр талабига мос фаолият юритишда, энг аввало, мустақкам ва изчил ишловчи тизим ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳудудий кенгашларининг навбатдаги пленумларида 2015 йилги фаолият яқунлари ва галдаги муҳим вазифалар чуқур таҳлил этилиб, партиявий ишларни тизимли ташкил этишда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## МУСТАҚКАМ ВА ИЗЧИЛ ИШЛАЁТГАН ТИЗИМ

### сиёсий куч фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашнинг IV Пленумида мазкур ҳудудий ташкилотнинг 2015 йилги фаолияти ва бу йил амалга ошириладиган устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши раиси Ерناзар Қунназаровнинг шу масала юзасидан маърузаси тингланди.

— Мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида кенг қўлмалли ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда қонунийликка киритилган ўзгаришларга мувофиқ, сиёсий партияларнинг ваколат-

лари кенгайди, уларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли ошди, — деди Е.Қунназаров. — Бу, ўз навбатида, партия-мизнинг Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган ташкилотлари ишида ҳам яққол акс этди.

Айни пайтда Қорақалпоғистонда партия аъзолари сони 7 минг нафардан ошди, 270 та бошланғич партия ташкилоти муҳим таянч бўғинлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Сафимизда хотин-қизлар ва 30 ёшгача бўлган партиядошларимиз кўпчилигини ташкил этаётганлиги ҳам алоҳида эътиборга молик.

3 >

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ



учун давлат маблағларининг муайян ҳажмларини олиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партияларни молиялаштириш қонунийлик, очиқлик, ошқоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги принциплари асосида, қонунга қатъий риоя этилган ҳолда амалга ошириб борилди. Барча сиёсий партиялар ўз фаолиятини молиялаштириш ҳажми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда эълон қилди ва ўз аъзолари ҳамда жамоатчиликнинг уларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишини таъминлаб берди.

Мажлисида Ўзбекистондаги сиёсий партиялар молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этганликлари қайд этилди.

Мазкур масала муҳокамаси чоғида сўзга чиққан депутатлар давлатимиз раҳбари 2015 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент олдида турган энг муҳим масалаларни белгиланган ҳолда Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва аҳамиятини бор имкониятлардан фойдаланиб ошириши, умуман олганда, кўппартиявийлик тизимини янада изчил ривожлантиришни қайд этганини таъкидлаб ўтдилар.

2 >


## ПАРЛАМЕНТДА

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар ўз конституциявий ваколатларига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2015 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитди. Ушбу масала бўйича барча сиёсий партиялар раҳбарлари сўзга чиқди.

Мажлис давомида сўнгги йилларда энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири, шунингдек, уларнинг парламентдаги фаолияти сезиларли даражада кучайганлиги таъкидланди. Умумжабул қилинган демократик стандартларга ва халқаро нормаларга тўлиқ жавоб берувчи сиёсий партияларни ривожлантиришнинг мустақкам ҳуқуқий базаси яратилди.

Бугунги кунда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электротат манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эгадир. "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, ҳар бир партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сонига қараб ўз устав фаолиятини молиялаштириш

## СУВ РЕСУРСЛАРИ —



### МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ МАНБАЛАРИДАН БИРИ

## ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан, бошқа минтақаларда бўлгани каби табиий ресурсларга, хусусан, сув ресурсларига боғлиқ. Мамлакатимизда аграр соҳани, қолаверса, иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган саноатни ривожлантириш ҳам сув ресурслари билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш ҳолати билан бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда сувдан оқилона фойдаланиш мамлакатимизнинг барқарор тараққиётида ҳал қилувчи масалалардан бирига айланди. Сув ресурсларининг танқислиги, унинг сифати ёмонлашши ҳамда минтақада шаклланган янги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва экологик жараёнларда мазкур масала янада долзарб аҳамият касб этаётган.

Сув ресурсларининг танқислиги муаммоси бутун минтақа муаммосидир. Жумладан, мураккаб экологик муаммолар

оқибати ўлароқ, Орол денгизининг қуриши ушбу ҳудудда яшовчи миллионлаб инсонларнинг яшаш шароитига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади.

Бунинг оқибатида ўзаро бир-бирига узвий боғланган мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуаси юзага келиб, унинг экологик оқибатлари нафақат минтақа учун, балки глобал миқёсда хавф-хатарни вужудга келтирувчи халқаро аҳамият касб этаётгани ҳеч қимга сир эмас.

2 >

## "Доим оғилтур гул бўлса Наврўз..."

## НАВРЎЗ — 2016

Ҳаётга, табиатга, дунёга бир умр ҳайрат қўзи билан боққан одамнинг сирларини излаган буюк қалб соҳиби — Алишер Навоий баҳорнинг жонланадиган, кун билан туни тенг бўладиган ажиб маҳали — Наврўзда ғазаллар битмаган, дейсизми? Битган. Унинг туркий лирик асарлари хазинаси — "Хазойин ул-маоний"да жами еттита махсус ғазал мавжуд. Уларнинг ҳар бирида Наврўз тимсоли бор.

"Хазойин ул-маоний" — тўрт девондан ташкил топган йирик асар. Ҳар бир девонга 650 тадан ғазал жойлаштирилган. Биринчи девон — "Ғаройиб ус-сиғар"да Наврўзга бағишланган ғазал йўқ. Иккинчи девон — "Наводир уш-шабоб"да иккита (210- ва 332-ғазаллар), учинчи девон — "Бадойиъ ул-васат"да тўртта (214-, 215-, 437- ва 466-ғазаллар) ҳамда тўрттинчи девон — "Фавойид ул-қибар"да битта (420-ғазал) ғазалда Наврўз тасвирига дуч келамиз.

Юртимизда Наврўз тантаналарида Алишер Навоийнинг наврўзона ғазалларидан ўқиб олиш истаги туғилса, марҳамат, ана шу кўрсаткич асосида бу ғазаллар матнини топиш мумкин. Акс ҳолда, жами 2 минг 600 ғазал орасидан наврўзномани топиш анча мушкул кечади.



7 >

## Бугунги сонда:

### ОБОД ҚИШЛОҚЛАРНИНГ "АДОЛАТ" БОҒИ

Бу йилги Наврўз байрамини деҳқонobodлик сафдошларимиз олоҳида кўтаринки руҳда кутиб олмақдалар. Байрам арафасида "Бозортепа" ва "Обод" қишлоқлари туташган ҳудудда партияимиз фаоллари ташаббуси билан мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазиб, "Адолат" боғини барпо этдик.

4

### ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ ЭЛ АРДОҒИДА

...маданият, санъат, спорт, журналистика ва бадиий ижод соҳаларидаги ижодкорларни муносиб даражада эътироф этиш, рағбатлантириш мақсадида ўтқазиб келинаётган "Эътироф — 2015" мукофоти тақдирлаш маросимида "Йилнинг энг яхши бастакори" номинацияси голиби сифатида эътироф этилди.

5



# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХИСОБОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунчилик палатаси Регламентга палатанинг қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг фаол иштирокини таъминлаш механизмлари самардорлигини ошириш, шу билан бирга, партиялар фикрларини ҳисобга олувчи муқобил қонун лойиҳаларини сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан киритишни процессуал механизмлари янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим ҳаётий масалаларини белгиловчи у ёки бу қонунлар бўйича ўз нукта назарларини кенг жамоатчиликка етказишни таъминловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Қун тартибидagi масала юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида аялдан охиридаги ислоҳотлар сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси

публикаси қонунига киритилган янгиланишлар маблағларнинг самарали фойдаланишида партияларнинг манфаатдорлигини оширишга, сиёсий партиялар томонидан иқтисод партиялар маблағлар уларнинг дастурий максadларига йўналтиришга хизмат қилаётганини эътироф этди.

Бундан ташқари, жамоатчилик назоратининг самарали механизми сиёсий партиялар молиявий фаолиятининг ошқоңралигини таъминлаш имконини бермоқда.

Хусусан, босма оммавий ахборот воситаларида ўтган даврдаги фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбалари тўғрисидаги таҳлилий материаллар эълон қилинмоқда. Шунингдек, партиялар Сиёсий Кенгашларининг пленумларида партияларнинг ўтган йилдаги молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди. Ҳисоботлар давомида партиялар аъзолари, маҳаллий партия ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари, депутатлар, экспертлар, ОАВ вакиллари фаол иштирок этиди. Улар томонидан партия бюджетидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар киритилди.

Шунингдек, депутатлар сиёсий партияларнинг мамлакат иқ-

тимий-сиёсий ҳаётидаги ўрни кучайиб бораётганлиги муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Тўлқин Абдусатторов қун тартибидagi масала юзасидан муносабатини билдирар экан, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий кадрлар ва бошқа ресурслари ўз дастурий максad уларнинг шaффоф ва очиқлиги, доимо жамоатчилик назоратида бўлиши жуда муҳимдир. Ингилда қайд қилингандек, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, парламент ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириш шароитларида ушбу масала депутатларнинг доимий эътиборини талаб этади.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар сиёсий партияларнинг 2015 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП матбуот хизмати

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ УСТУВОР

## Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари

Юртимизда истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, инсон соғлиғи учун зарарли бўлган товарлар ҳамда хизматлар тақлиф этилишининг олдини олишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билимларини янада оширишга қаратилган тарғибот ишлари муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари" лойиҳаси доирасида Учтепа туман партия кенгаши ташаббуси билан Тошкент иқтисодий ва сервис коллежида "Истеъмолчилар ҳуқуқи — доимий эътиборда" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси Учтепа туман бўлими масъул ходимлари, "Қамолот" ЁИХ, "Ёш адолатчилар" канофи фаоллари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенг жамоатчилик иштироки ва назорати амалий аҳамият касб этади.

— "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш билан биргаликда маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар, савдо, иш ва хизмат ишроқчилари ҳамда бошқа ташкилотлар учун бир қатор мажбуриятлар белгиланган, — деди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси Учтепа туман бўлими раиси Олим Юнусов. — Маъмур қонун истеъмолчилар ва тадбиркорлар ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиди. Истеъмолчилар тегишли сифатдаги товарлар (хизматлар)ни сотиб олиши билан боғлиқ ҳуқуқларини билиши

лозим. Жумладан, ишлаб чиқарувчи (ишроқи, сотувчи)нинг айриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли моддий ва маънавий зарар етказилган ҳолатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Маълумки, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси "Адолат" СДПнинг иқтисодий ҳамкорларидан бири саналади.

Мамлакатимизда кучли ҳуқуқий давлат барпо этиш, қонун ва адолат устуворлигига эришишда, хусусан, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу жараёнда маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган партия депутатлик гуруҳлари аъзоларининг фаол иштироки истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш, дастурий максad-вазифаларини самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билими, истеъмол маданиятини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар ташкил этилиши, соҳага доир қонун ва қонуности ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш партия фаолларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Тадбир якунида ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга партия фаоллари ва мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Феруз Жўраев, Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби



Замира Абдуллаева, Қоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

## ТАДБИР

Ҳар бир инсон соғлиғи, аввало, унинг соғлом турмуш тарзига риоя этиши, оила муҳити билан боғлиқ саналади. Бу эса оилада тиббий ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланган бўлишини тақозо этади.

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА

## риоя этиш кўникмаси оилада шаклланади

Хонадон аъзоларининг бир-бирига эътибори ва раҳмқўрлиғи, оила иқтисодини мустаҳкамлаш, ортиқча ва мазмун-мақсадсиз харажатларга беҳуда маблағ сарфламаслик ҳам кези келганда хал қилувчи аҳамият касб этишини айтиш жоиз. Негаки, ҳаёт мазмуни бўлган оилада яқинларимизнинг соғлиғи инсон учун асосий бойлик саналади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қоразм туман ташкилоти, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда "Урганчтрансгаз" шўъба корхонаси ҳамкорлигида ўтказилган "Оилада соғлом турмуш тарзини яратиш — қомил инсонни шакллантиришнинг муҳим омил" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда ана шу мавзуда мулоҳаза юритилди.

Тадбир ташкилотчилари ҳамда тиббиёт ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, "Қарвак" қишлоғи, 32-умумтаълим мактаби фаоллари, танқис ишкорлар, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этган учрашувда таъкидланганидек, соғлом турмуш тарзи қонда ва талабларини бажариш учун шахсий гигиена қондаларига амал қилиш, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, соғлиқ учун зарарли одатларга берилмаслик, руҳий саломатлиқни асраш, атроф-муҳит тозаллиги тўғрисида қайғуриш ва экологик маданиятга доир билимлардан хабардор бўлиш зарур. Бу борада, айниқса, оилада катта ёшдаги қишлоқлик ёшларга ибрат кўрсатишлари муҳим ўрин тутди.

— Олдий мисол билан тушунишганда, оилада бирор кишининг, айниқса, отанинг спиртли ичимлик ичиши, чеккиши каби зарарли оdatларини кўрган фарзандига бу ҳол салбий таъсир кўрсатади. Чунки тарбия ёки тарбиясизлик ҳам ибрат орқали шаклланишини ҳаёт таъжириблари доим англашти туради, — дейди 32-умумтаълим мактаби директори Қаландар Аминов.

Тадбир иштирокчилари "Соғлом оила ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида туман партия ташкилоти томонидан амалга ошириладиган ишлар билан танишдилар.

# СУВ РЕСУРСЛАРИ —

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ МАНБАЛАРИДАН БИРИ

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Сайёрамизнинг табиий-иқлимий ва сув-экологик фаровонлигини давлатлар чегаралари билан ажратиб бўлмаслигини дунё ҳамжамияти англаб етмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Оролбўйи минтақасида иқтисодий-иқтисодий ва экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган аниқ максadли дастурларни амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий ҳамкорлик жараёнида фаол иштирок этиб, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, Давлатлараро сувдан фойдаланишни мувофиқлаштирувчи комиссия ҳамда барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш муаммоларини бартараф қилиш ва мувофиқлаштиришга мўлжалланган Давлатлараро комиссияларни ташкил этиш ташаббускорлиги ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг асосий сув манбаси ҳисобланган Амударё ва Сирдарё хавзаларида ўртача йиллик сув ресурслари 114,4 куб километрни ташкил этиб, худудимизда ишлатилувчи ўртача йиллик сув сарфи 51 куб километрга тенг. Мана шу зарур бўлган сув ресурсларининг 80 фоиздан ортиғи қўшни давлатлар худудидан оқиб келади.

Охириги йилларда сезилаётган иқлим ўзгаришлари натижасида сув ресурсларининг қайиши ва юқори оқимда жойлашган давлатларнинг трансчегаравий дарёлар сув ресурсларини ўрта ва қуйи оқимда жойлашган давлатларнинг қонуний манфаатларини инобатга олмасдан бир томонлама бошқариши оқибатида та-

биий ва сунъий сув танқисликларининг юзага келиши йилдан-йилга кучайиб, вазиятни янада мураккаблаштирмоқда.

Трансчегаравий дарёлар хавзаси муаммоларининг хал этилишига минтақадаги ҳар бир мамлакат бефарқ бўлмасдан ўз улушини қўйиши лозим. Халқаро ҳуқуқ нормалари нуктаи назардан ҳеч бир мамлакат қўшни давлатнинг манфаатларини поймол қилган ҳолда сувдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Шу билан биргаликда, ҳеч бир давлат бундай ҳаракатларнинг оқибатини ўлчаб ва аввалдан айтиб бўлмайдиган иншоотлар қуриш баҳонасида ўзининг ёки қўшни давлат аҳолисининг ҳаёти хавфсизлигини хатарга қўйишга ҳаққи йўқ.

Марказий Осиёнинг трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари минтақанинг барча давлатлари ва аҳолиси манфаатларини эътиборга олган ҳолда хал этилиши ва трансчегаравий дарёларда амалга ошириладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар минтақанинг сув баланси, хавфсизлиги ва экологиясига салбий таъсир кўрсатмаслиги мантқиқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимиз томонидан аниқ позиция белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, Марказий Осиё минтақасида яшовчи 50 миллиондан ортиқ аҳолининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиниши керак.

**Иккинчидан**, трансчегаравий дарёларда амалга ошириладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар минтақанинг экологияси ва сув балансида салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

**Учинчидан**, Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишнинг самарали тизимини ташкил этишнинг асоси сувдан фойдаланиш ва экология соҳасидаги амалдаги ҳуқуқий база бўлиши лозим.

**Тўртинчидан**, трансчегаравий дарёларнинг ресурсларидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларни, жумладан, гидроэнергетик қурилишларни иқтисодий-техник ва экологик экспертизадан мустақил равишда пухта ўтказиб, манфаатдор томонларни ошқоралик ва тўлиқ хабардор қилиш принциплари асосида амалга ошириладиган барча томонларнинг ҳуқуқи рад этилмаслиги керак.

**Бешинчидан**, конструктив муносабат ва ўзаро келишув асосида лойиҳалар рўзбага чиқарилганда бошқа манфаатдор давлатларнинг манфаати чекланмаслиги шарт.

Мана шу позицияларга амал қилинган ҳолда трансчегаравий дарёларнинг қуйи оқимларида жойлашган давлатлар учун сув баланси сатҳининг қайишига йўл қўйилмаслиги ҳамда минтақанинг хавфсизлиги ва экологик балансини издан чиқарилмаслиги қафолатланади.

Бугунги кунда республикамизда 4,3 миллион гектар суғориладиган ер майдони мавжуд бўлиб, бу майдонларни суғориш учун ўртача 55 миллиард куб метр сув талаб этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суғориш тизимларининг тақомиллашмаганлиги сабабли экин майдонларига берилётган сувнинг 50 фоизигина ўзлаштирилади. Мамлакатимизда суғориш гидромелиоратив шохобчалари мавжуд бўлиб, канал ва ариқлар узунлиги 180 миң километрни ташкил этади. 120 миң километр коллектор тармоқлари, 55 та сув омборлари мавжуд бўлиб, улар-

да 19 миллиард куб метр ҳажмдаги сув миқдорини сақлаш имконияти мавжуд.

Ҳозирда аҳоли сони ошиб бораётган ҳамда сув ресурслари чекланган шароитда сув ресурсларининг ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш масаласи глобал ва маҳаллий миқёсдаги долзарб муаммолардан бири саналиши ҳеч қимга сир эмас. Қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришда сувдан самарасиз фойдаланиш, сувни тежаш технологиялари ва техникалари кенгроқ татбиқ этилмаслиги тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам сув тақчиллиги шароитида ҳосил етиштиришнинг самарали, сувни тежайдиган янги технологияларни амалга оширишга кенг татбиқ этиш зарур бўлади.

Мамлакатимизда ушбу муаммоларнинг ечимига қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар изчил амалга оширилиб, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида қатор йўналишларда ишлар олиб борилмоқдаки, булар жумласига, сувдан фойдаланишга доир қонунчилик базасини тақомиллаштириш, сув ресурсларини бошқаришда маъмурий ҳудудий тамойилдан, гидрографик хавзавий тамойилга ўтиш, сув ресурсларини бошқариш бўйича давлат ваколат ва мажбуриятларининг бир қисмини ирригация тизимларининг қуйи бўғинидаги жамоат ташкилотларига берилиши, қишлоқ хўжалик экинларини диверсификация қилиш, сув иншоотларининг фойдали иш коэффициентларини ошириш, сувнинг катий ҳисоб-китобини юритиш, сув соҳасида тежамкор техника ва технологияларни жорий этиш, сув хўжалиги иншоотларининг ишончли фаолиятини

таъминлашга йўналтирилган инвестицияларни жалб қилиш каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз миқёсда йиллик фойдаланилаётган сувларнинг миқдори мустақилликдан аввалги даврдаги 64 миллиард куб метрдан ўртача 51 миллиард куб метргача ёки 20 фоизга қайиштирилшига эришилди.

Асосан ҳозирги кунда экинларни суғоришда сув тежовчи истикболли усуллар — ёмғирлатиб суғориш, ер остидан суғориш, томчилатиб суғориш усуллари ҳисобланиб, ушбу усулларни қўллаш натижасида далага сув бериш миқдори 50-60 фоизга қадар қайишига олиб келади. Бу борада қонунчилик базаси мустаҳкамланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги "Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришнинг самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 367-моддасига киритилган ўзгаришларга асосан юридик шахслар ўз ер участкаларининг томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган қисми учун 5 йил муддатта ягона ер солиғи тўлашдан озод этилади.

Шу ўринда сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришга давлат капитал маблағлари ҳисобидан йилга қарийб 500 миллиард сўм йўналтириладиганлиги ва унинг миқдори сўнгги 10 йил давомида 5 баробарга ортиганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, соҳанинг муҳимлигини келиб чиққан ҳолда давлат томонидан чет эл инвестицияларини жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш

керакки, бир қатор йиллик молия институтлари, шунингдек, халқаро ҳамкор ташкилотлар ва агентликлар каби донорларнинг инвестициялари иштирокида сўнгги 10 йил мобайнида умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард АКШ долларига тенг бўлган йиллик лойиҳалар амалга оширилди.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий ва молиявий механизми барча табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнига тааллуқли бўлиб, бу механизмлар юқорида кўрсатиб ўтилганидек, алоҳида ресурслар ва тармоқларда ўзига хос хусусиятларга эга.

Сувдан фойдаланишнинг бошқаришнинг иқтисодий механизми бу сувни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича иқтисодий тадбирлар ва ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, унда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов муҳим ўрин эгаллайди.

Тўлов орқали сувдан фойдаланишнинг қуйидаги максadларга эришиш қўзда тутилади: сув сифатини яхшилаш, аҳоли ва иқтисодиёт соҳаларини сув билан таъминлаш, сувга зарарли таъсирларни қайиштиришга қаратилган сув хўжалиги дастурларини молиялаштириш, давлат бюджетини мустаҳкамлаш, сувдан оқилона фойдаланишнинг рағбатлантириш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида самарадорликни ошириш, сув хўжалигининг бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини қоплаш тамойилга амал қилишини таъминлаш.

Ёрмат ХОЛИЯРОВ, Алишер МАХМАТУРОДОВ, Олий Маълис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари

# МУСТАҲКАМ ВА ИЗЧИЛ ИШЛАЁТГАН ТИЗИМ

## СИЁСИЙ КУЧ ФАОЛИЯТИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА

Давом. Бошланғич 1-бетда

Партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар Дастурида белги-ланган асосий вазифалар дои-расида ҳаётга кенг татбиқ эти-

мингта яқин фуқаролар қат-нашди.

Хисобот даврида партиянинг барча туман ва шаҳар ташки-лотлари моддий-техник жиҳат-дан мустаҳкамланиб, улар офис мебеллари, компьютер жамлан-

нинг махсус ўқув курсида икки нафар масъул ходимимиз ўз би-лимларини ошириди.

Хисобот даврида партия аъзолари сони 2014 йилга қиёс-лаганда 1054 нафарга кўпай-ди. Бироқ бу борадаги ўсиш

гашлари фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин. Лекин Шу-манай, Тахтақўпир ва Нукус туман партия ташкилотлари бу борада, хусусан, ОАВ имкони-ятларидан унумли фойдаланма-ганлигини эътибордан четда қолдириб бўлмади.

Қорақалпоғистон Республи-каси Жўқорғи Кенгесидаги партия депутатлик гуруҳи раҳ-бар Б.Пренов ўз сўзида ма-ҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари сиёсий куч сифати-да мақсадларини рўйга чиқар-ишнинг асосий функционал бўлинига айланиши лозим экани-ни таъкидлади.

— Мамлакатимизда кечаёт-ган демократик ўзгаришлар ба-рорада жойларда қонулар ва қонуности ҳужжатлари иж-роси устидан самарали депу-татлик назоратини амалга оши-ришда масъулият орғиб бор-моқда, — деди Б.Пренов. — 2015 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенге-сидаги партия депутатлик гу-руҳи аъзолари томонидан фу-қароларнинг мунозаралари асо-сида тегишли ҳокимликлар ва қорхона-ташкилотлар раҳбарла-рига 20 та депутатлик сўрови киритилди ва уларнинг акса-риятини ижобий ҳал қилинишига эришилди.

Ўзбекистон “Адолат” соци-ал-демократик партиясининг “Жамоатчилик назорати — қонуни устуворлигининг гарови” лойиҳаси доирасида Ўзе-бекистон Республикасининг “Ав-томобиль йўллари тўғрисида”-ги қонуни ижросини таъмин-лаш юзасидан депутатлик гу-руҳимиз ташкилотчилигида 10 га яқин амалий тадбирлар ўт-казилди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқ-даки, Қорақалпоғистон Рес-публикаси Жўқорғи Кенгеси сессиялари кун тартибига ма-сала киритиш ҳамда қўмига мажлислари муҳокамага так-лифлар тақдим этиш, мансаб-дор шахсларнинг хисоботлари-ни эшитиш юзасидан ўз фао-лиятимизга танқидий қараб, амалий ишлар қилишимиз шарт. Йўл қўйилган камчилик-лардан ҳулоса чиқариш, ол-димизга қўйган вазифаларни уddалашга эришиш келгуси фаолиятимизда устуворлик касб этади.

Анжуманда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижросида партиянинг Қора-қалпоғистон ҳудудий кенгаши-нинг фаол иштирокини таъ-минлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.



лаётган 23 та лойиҳа бўйича Қорақалпоғистон ҳудудий кен-гаши, туман, шаҳар ташкилот-лари ва маҳаллий Кенгашлар-даги партия депутатлик гуруҳ-лари томонидан аниқ режалар асосида амалий ишлар қилин-ди. 2015 йилда мазкур ижти-моий лойиҳалар доирасида, шунингдек, партия мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишга қаратилган 300 дан зиёд тад-бирлар ўтказилиб, уларда 10

малари, тарғибот материалла-ри билан тўлқин таъминланган-лиги сиёсий фаолиятимизни куч-айтиришга хизмат қилаётти. Шу билан бирга, тизимда кадр-ларнинг касбий малакаси ва про-фессинал салоҳиятини ошириш мақсадида малакали мутахассис-ларни жалб қилган ҳолда сиё-сий ўқувлар юқори савияда ўтказилди. Ўзбекистон Респу-бликаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси-

кўрсаткичлари Нукус шаҳри-дан ташқари барча туманларда 50 нафардан оммагаллиги на-тижалар қониқарли эмаслиги-ни аниқлади. Аҳоли ўртасида партияимизга қизиқиш ва хай-рихоҳликни кўпайтириш ва БПТлар сони оширишда хали қилганидан ишлар кўп.

Тарғибот-ташвиқот тадбирла-рини самарали ташкил этишда Нукус шаҳар, Чимбой, Қора-ўзақ ва Кегейли туман кен-

**ҚАШҚАДАРЁ.** Қарши шаҳрида Ўзбекистон “Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдаги Пленумида партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, БПТ раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходим-лари иштирок этди.

Вилоят партия кенгаши раис-и Абдуқаҳор Аҳмедов Пленум-ни очар экан, йиғилганлар эъти-борини яқинда ўтказилган партия Сиёсий Кенгашнинг нав-батдаги Пленумида муҳокама этилган масалалар, қабул қилин-ган қарорлардан келиб чиқиб, вилоят партия ташкилоти олди-да турган вазифаларга қаратди.

Нотик вилоят партия кенга-ши ва депутатлик гуруҳларин-нинг ўтган йилги фаолияти ва “Соғлом она ва бола йили”да амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусуси-да маъруза қилди.

— Вилоятда бугунги кунда партиянинг қарийб 8,5 миң нафар аъзоси, 245 та бошлан-ғич партия ташкилоти бор. Ҳудудий партия ташкилотлари-миз ўтган йилда турли мавзу-ларда уч юзга яқин тадбирлар уюштирди, — деди А.Аҳмедов. — Аҳамиятлиси, ўндан ортик тадбирларда Олий Мажлис

оллари бу йил янада кўтарин-ки руҳда ишламоқда. Дасту-рий мақсад-вазифаларимизни кенг тарғиб этиш, партия маф-кураси, ғоясини электорат ва фуқароларга чуқурроқ тушу-нириш, шу билан бирга, саф-ларимизни кенгайтириб, ёшлар, зиёлилар ва хотин-қизларни янада кўпроқ жалб қилишга интиляптилар.

Пленумда маъруза қилган ва муҳокамада қатнашган фаоллар хозирги кўшпартиявийлик па-роитида ҳудудда “Адолат” СДПнинг мавқеини, омма ора-сида таъсирини ошириш учун фаолликни янада кучайтириш зарурлигини қайд этишди. Фа-олиятта танқидий ёндашув ру-ҳида ўтган Пленумда партия сафларини фидойи аъзолар бил-лан мустаҳкамлаш, депутатлик гуруҳлари билан ҳамжиҳатлик-да ишлашда Қамаш, Шаҳри-сабз, Нишон, Ғузур туман партия кенгашлари томонидан

ва нуқсонлар Яққабоб, Қарши, Муборак, Чироқчи туманида-ги ташкилотлар фаолиятида ҳам кузатишмоқда. Ўтган йили вилоят бўйича маслақдошлар-имиз сони қарийб 800 нафар-га ошди. Албатта, бу рақам бизни қаноатлантирмайди.

Мажлисида Китоб, Нишон туман партия кенгашлари ра-ислари Шавкат Раҳмонов, Улғабек Ҳикматов, халқ депу-татлари Шаҳрисабз, Чироқчи, Муборак туман Кенгашларида-ги партия депутатлик гуруҳи раҳбарлари Эркин Жуманов, Сурхон Раҳмонов, Рустам Ба-ратов, “Аёллар қаноти” фаол-лари Дилдора Аминова, Гул-чехра Бўриева, “Ёш адолатчи-лар” қаноти етакчиси Хуснид-дин Бердимуродов ва бошқа-лар партиявий ишлар самара-сини ошириш учун ҳар бир сафдошимиз иштирокини куч-айтириш зарурлигини алоҳи-да таъкидладилар.

— Биз саяё-ҳаракатларимиз билан аҳолининг барча қатла-лари орасига фаол кириб бо-риб, партия дастурий мақсад-ларини амалга ошириш ва элек-торат манфаатларига қаратил-

**СИРДАРЁ** вилоят партия кенгашининг навбатдаги Пленуми ҳам ишчанлик руҳида ўтди. Анжуманда эришилган ютуқларини эътироф этган ҳолда партиявий ишлар самара-сини кучайтиришда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар атрофлича таҳлил этилди.



Вилоят партия кенгаши раис-и Дилшубоқ Абдуллаева тизимда кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан жиддий чора-тадбирлар кўриш, мутахассислар малакасини ошириш хусусида алоҳида тўхтади. Шунингдек, иш тажрибаларидан келиб чиқиб, тарғибот тадбирларини ташкиллаштиришда янгича услуб ва замонавий технологиялардан фойдаланишни амалиётга кенг татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Саломхондин Элмуродов 2015 йил мобайнида маҳаллий вакиллик органларидagi партия депутат-лик гуруҳлари фаолияти ҳақида сўз юритар экан, улар томонидан маҳаллий Кенгашлар сессияларига долзарб маса-лалар киритиш борасида лозим даражада ташаббускорлик кўрсати-лмаганини танқид остига олди. Шунингдек, депутатлар аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб бориши, сайловчилар билан очик мулоқотлар ўтказишда оммавий ахборот воситалари имконларидан кўпроқ фойдаланиши муҳим эканига эътибор қаратди.

Пленумда таъкидланганидек, тарғибот тадбирларини ўтказишда айрим қуйи ташкилотлар томонидан сустқиликка йўл қўйилмоқда. Демак, бу борада маълум ютуқларга эришаётган туман кенгашларининг иш тажрибасини оммалаштириб, партия фаолиятининг таянчи бўлган қуйи ташкилотларга муносиб етакчи кадрларни кўпроқ жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Анжуман иштирокчилари “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этишда ўз муносиб ҳиссасини қўйиши, бу борада ҳокимликлар, қорхона ва муассасалар, ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришлари, партия қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ тад-бирларда мазкур Дастурининг халқчил моҳиятини чуқур очиб беришлари зарурлиги қайд этилди.

**Пленумларда муҳокама этилган масалалар юзаси-дан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ҳудудларда вилоят партия кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтмоқда.**

**Шарипа ТОРЕШОВА, Шухрат ҲАСАНОВ, Сирдарё вилоят кенгашлари матбуот котиблари. Комил САХАТОВ, “Adolat” мухбири**

## СИЁСИЙ ЎҚУВ

Яқинда Ўзбекистон “Адолат” СДП Фарғона вилоят ташкилоти томонидан туман, шаҳар партия ташкилотлари раислари, “Аёллар қаноти” ва “Ёш адолатчилар” қаноти етакчи-лари, БПТ раислари иштирокида сиёсий ўқув-семинари ташкил этилди.

## ЮРТ БАХТИ — ОЛИЙ САОДАТ

Семинар давомида анжуман иштирокчилари Президентимиз-нинг “Юксак маънавият — энгилмас куч”, “Ўзбекистон муста-қилликка эришиш оstonасида”, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” номли асарларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, бу борада фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашиш имкониятига эга бўдилар.

Инсон маънавиятининг мазмун-моҳияти, назарий ва амалий асослари ҳар томонлама таҳлил этилган “Юксак маънавият — энгилмас куч” асари моҳияти ҳақида вилоят партия кенгаши раис-и ўринбосари Қудрат Матқаримов маъруза қилар экан, ушбу асар бугунги глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаятган долзарб муаммоларни ҳал этишда, халқимиз маънавия-тини асраш ва юксалтиришда, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафқуралар таъсиридан сақлаш ва химоя қилишда фойдаланишимиз мумкин бўлган муҳим қўлла-ма эканини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда иштирокчиларга Президентимизнинг “Ўзбекистон муста-қилликка эришиш оstonасида” асарининг мазмун-моҳияти тари-хий мисоллар билан тушунтириб берилди. Таъкидланганидек, хал-қимизнинг сиёсий тафаккурини бойитишга ҳисса қўшган бу асар барча китобхонларни хозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо хушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшашга даъват этади.

Семинарда мамлакатимиз раҳбарининг давлатимиз ва жамия-тимизнинг хозирги ва келгуси ҳаётига бевосита дахлдор бўлган муҳим концептуал фикрлари, ғоялари илгари сурилган, кенг жамоатчиликка, авваломбор, ёшларимизга етказишда долзарб аҳамиятга эга бўлган дастурий вазифалар белгиланган, ташқи сиёсатимиз тўғрисидаги теран қарашлари жамланган — “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” номли асари ҳам атрофлича ўрганилди ва асар мазмуни асосида тайёрланган “Кеча ким эди, бугун ким бўлди” деб номланган тақдирот намойиш этилди.

Семинар давомида иштирокчилар халқаро талаблар ва миллий қонунийлик асосида ишлаб чиқилган “Жамоатчилик назора-ти тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси билан батафсил танишиб чиқ-дилар ва уни атрофлича муҳокама қилдилар.

— Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ма-нфаатларининг устуворлиги, қонунийлик, мустақиллик, ошқора-лик каби тамойиллар ифодаланаётган ушбу қонуни, аввало, Пре-зидентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда белгилаб берилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожла-нишига ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтларининг мав-қени янада оширишга асос бўлади, — деди Ёзёнов туман партия кенгаши раис-и Аъзамжон Тўрақулов.

Семинар якунида иштирокчилар ўзаро гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий машғулотга киришдилар ва икки кун давомида ўрганган сиёсий билимларини қай даражада ўзлаштирганликла-рини баҳс ва мунозаралар орқали намоён этдилар.

**Комила ИСРОИЛОВА, Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби**

## ҚУЛАЙЛИКЛАРИ КЎП, АММО...

### ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЭШЛАР ҚЎЛИДА

Интернетнинг имкониятлари тобора кен-гайиб бораётган айни вақтда одамлар ундан турли мақсадларда фойдаланадилар. Ким-дир интернет орқали юртимиз ва дунё янги-ликларидан хабардор бўлиш, билимларини оширишга ҳаракат қилса, айрим ёшлар шун-чаки вақт ўтказиш учун сайтларга кириди-лар. Айрим кимсалар “ўргимчак тўри”ни бузғунчилик ғояларини тарқатиш воситасига айлантганлиги эса ҳар биримизни сергак тортириши керак.

Жиззах шаҳридаги 14-умумтаълим мактабида “Ин-тернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги: бу бора-даги долзарб масалалар” мавзусида ўтказилган учра-шувда Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах шаҳар кенга-ши раис-и Ражаббой Набиев шулар ҳақида фикр билдир-ди.

Тадбир иштирокчилари ин-сон ақл-тафаккури махсули бўлган интернетнинг қулай-ликларини эътироф этдилар. Шу билан бирга, дунёдаги айрим кучлар турли ижти-моий тармоқлар орқали одам-лар, айниқса, ёшларни ин-сон маънавиятига зид ғояларга эргаштиришга уринмоқдалар. Демак, интер-нет имкониятларидан онгли равишда, содда қилиб ай-тганда, оқ-қорани фарқлаган ҳолда фойдаланиш ҳаётий заруратга айланган.

— Мен интернетдан асо-сан фанга оид маълумотлар-ни излашда Kitob.uz, zionet.uz, referat.uz сайтдан фойдаланаман, — дейди тад-бир иштирокчиси Дилшода Мелиева. — Ушбу сайтлар фан мавзуларига доир янада кўпроқ маълумотларга эга бўлишимга ёрдам беради.

Иштирокчилар таъкидлаган-ликдек, XXI асрда ёшларнинг маънавияти ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатишга мўлжалланган ахборот хуруж-лари ва инсон онгига ғоявий таҳдидлар орғиб бормоқда. Бугунги кунда интернет ола-мида кенг учраётган “кибер-жиноят”, “киберфирибгар-лик” каби жиноятларнинг жабрдийдалари бўлиб қолиш-дан эҳтиёт бўлиш зарур.

**Маърифат МАВЛОНОВА, Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби**



Қонунийлик палатасидаги партия фракцияси аъзолари ҳам иштирок этишди. Хусусан, Абдулун Умиров, Жамшид Пирматов сингари депутатлар-нинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, парламент фаоли-яти, аҳолининг ҳуқуқий ва сиё-сий билимларини оширишга қаратилган мазмули маъруза-лари иштирокчиларни бефарқ қолдирмади. Шу билан бирга, бир қатор долзарб масалалар атрофлича ўрганилди ва ама-лий чимини топди.

Вилоят партия кенгаши фа-

амалга оширилаётган ишлар бугунги кун талабига етарли-ча жавоб бермаслиги лозим, — деди музокарада қатнашган партия фаоли. Муборак туман-даги кишлоқ врачлик пунк-ти мудири Умрзоқ Тожиев. — Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, айниқса, ёшлар онг-шуурида маънавий бўшлиқ пайдо бўлмагани ва бундай бўшлиқ бор жойда ёвуз ният-ли кимсалар ёт ғоялар уруғи-ни сочмаслиги учун ҳам партия ташкилотларимиз фаол тарғи-бот юритишлари, доим хозир-жавоб бўлмоғи даркор.



ган устувор ижтимоий вазифа-ларни бажаришда самарадор-ликка эришишимиз лозим, — деди музокарада қатнашган партия фаоли. Муборак туман-даги кишлоқ врачлик пунк-ти мудири Умрзоқ Тожиев. — Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, айниқса, ёшлар онг-шуурида маънавий бўшлиқ пайдо бўлмагани ва бундай бўшлиқ бор жойда ёвуз ният-ли кимсалар ёт ғоялар уруғи-ни сочмаслиги учун ҳам партия ташкилотларимиз фаол тарғи-бот юритишлари, доим хозир-жавоб бўлмоғи даркор.

“АДОЛАТ”ГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар изчиллигини ва самарадорлигини таъминлашда, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳар бир юртдошимиз фаол иштирок этмоқда. Айниқса, бу фаоллик демократиянинг амалий ифодаси бўлган сайловлар жараёнида яққол намоён бўлмоқда.



САЙЛОВЧИЛАР ПАРТИЯМИЗ НОМЗОДИНИ ТАНЛАШДИ

Таъкидлаш жоизки, юртимизда соғлом рақобат шароитида кўппартиявийлик асосида ўтган сайловлар фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқидан эркин фойдаланишини таъминламоқда.

Халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутатлигига бўшаб қолган ўринга яқинда бўлиб ўтган сайловда 5-сайлов округидан кўрсатилган партиямиз номзоди, Ажиниёз номидagi Нукус давлат педагогика институти декани, тарих фанлари доктори Яхшибека Абдуллаева кўпчилик овоз билан депутат этиб сайланди.

Демократик принципларга таянган ҳолда ўтказилган сайловда партиямиз вакилининг энг кўп овозга эга бўлиши ўз сайловчиларига Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловдaи дастурида белгиланган устувор максaд-вазифалар мазмун-моҳиятини тeрaн eткaзaнлиги, фуқароларда партиямизнинг халқчил ва ҳаётий гояларига бўлган ишонч ортаётганлигини кўрсатди.

— Нукус шаҳри ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир муҳим масалаларда ташаббускорлик кўрсатиш, эл-юрт манфаати учун хизмат қилиш, ҳудудда партиямиз мавқени янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни максaд қилганман, — дейди Я.Абдуллаева. — Халқнинг ишончли вакили, партиа фаоли сифатида давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фаол иштирок этиш мен учун шарафли масъулият ва катта бахт.

Биз пийжoатли сафдошимиз, депутат Я.Абдуллаевага эл ишончига муносиб равишда билим ва маҳорат билан фаолият кўрсатишида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Шарипа ТОШAYEBA,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
кенгаши матбуот котиби

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ҲАР БИР САФДОШИМИЗ НАМОЁН ЭТМОҚДА

БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Бугунги кунда Ўзбекистон “Адолат” СДП Арнасой туман кенгашида 300 нафарга яқин сафдошларимизни муштарак мақсадлар билан бирлаштирган 8 та бошланғич партиа ташкилоти бор. Туманда партиа фаоллари бир қатор ташкилот ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллий Кенгашлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги куйи бўғинлар фаолиятида яхши самараларга эришиш имконини кенгайтирмоқда.

Бундай ҳамкорлик натижаларини, хусусан, тарғибот-ташвиқот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш, фуқароларни ўйлангиратган муаммоларни аниқлаш ва ижобий ҳал этиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид фойдали тақлифларнинг рўёбга чиқишида кўриш мумкин.

“Дўстлик” кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 40 нафар сафдошимизни бирлаштирган бошланғич партиа ташкилоти тумандаги фаол БПТлардан бири саналади.

— Айни пайтда, туман ФХДБ бўлими, кишлоқ врачлик пунк-

ти, ўқув муассасалари мутахассисларини жалб этган ҳолда тарғибот-ташвиқот тадбирларини мазмунан бойитиш, ҳаётий долзарб масалаларда жамoатчилик фикрини шакллантиришга астойдил интиляямиз, — дейди мазкур БПТ раиси ўғилой Жумаева. — Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида илм-маърифатни тарғиб этиш, оилада соғлом муҳитни қарор топтириш, ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш мақсади-



Маърифат МАВЛОHOBA,  
Жиззах вилоят кенгаши  
матбуот котиби

да уюштирилган бир қанча тадбирлар қизгин мулоқотларга айланганлигини таъкидлаш жоиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, банк муассасалари, туман ҳокимлиги масъул ходимлари иштирокида ўтган тадбирлар ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Ўз навбатида, фуқароларнинг тиббий, ҳуқуқий билимлари, сиёсий фаоллиги ортиб, айниқса, ёшларда ижтимоий жараёнларда дахлдорлик ҳисси кучаймоқда.

Бошланғич партиа ташкилоти ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 15 нафардан ортиқ ўғил-қизларни фермер хўжалиқларига ишга жойлаштиришда, кишлоқда янги “Ўзгаллик саломи” иш бошлашида ташаббус кўрсатганлиги эътиборга молик. Айни пайтда, маслакдошларимиз ташаббуси билан мутасадди ташкилотлар кўмағида барпо этилган янги тикув шеҳи иш бошлаш арафасида турибди. Демак, кишлоқда янги иш ўринлари сон яна ортади.

Шу билан бирга, ушбу БПТ аъзолари ташкилотчилигида инновацион роляларни ривожлантиришга қаратилган “Менинг бизнес-гоям”, “Инновацион таракқиёт — иқтисодиёт истикбол” каби мавзулардаги тадбирлар билимдон ва иқтидорли ёшларни ўз интеллектуал салоҳиятини намоён этишга рағбатлантиряпти.

Хулоса ўрнида шунга айтиш жоизки, сиёсий кучнинг таянчи бўлган БПТларнинг жойларда кўпчилигининг ишончи ва эътиборини қозониши шу ҳудудда партиямиз мавқени мустаҳкамлаб, унинг гоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

СДП хабарлари

ХОРАЗМ. Хонқа туманида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида “Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги муҳим вазифамиздир” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда партиа фаоллари, депутатлар, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққан 31-умумтаълим мактабининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Омонбой Полвонов бугунги кунда фуқароларнинг кундалик турмушида кенг қўлланилиб келётган интернет тармоқларидан эҳтиётлик билан фойдаланиш лозимлигини ёшларга тушуниртди. Шундан кейин сўзга чиққан “Адолат” СДП Хонқа туман кенгаши раиси Зеваржон Юсупова айни пайтда жаҳоннинг турли нуқталарида рўй бераётган террорчилик хатти-ҳаракатлари тўғрисида тўхталиб, урушларнинг вайронкор оқибатлари ҳақида фикр юритди. Нотиқ юртимиз аҳолиси, хусусан, ёшларимиз оғини захарлашга уринаятган ташқи кучларга алданмаслик учун гоёвий иммунитетини ошириш, ёшларни ҳар томонлама етуқ, маънавийати қилиб тарбиялаш ҳар бир фуқаронинг устувор вазифаси эканини қайд қилди.

Шунингдек, бугунги глобализацaиe шароитида ёшларни миллий маънавиятимизга беғона бўлган турли зарарли гоя ва мафқуралардан ҳимоя қилиш, улар ўртасида миллий қонунчилигимизни кенг тарғиб қилиш ҳамда аждодларимиз яратган бой маънавий меросимизни сингдириш орқали уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш каби масалаларга эътибор қаратилади.

АНДИЖОН. Ўзбекистон “Адолат” СДП Избоскан туман кенгаши томонидан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, айни шу мақсадда касб-хунар коллежларида ташкил этилаётган турли тадбирлар хайрихоҳларимиз ва издошларимизнинг кўпайишига хизмат қилмоқда.



Наврўз байрами арафасида Избоскан ижтимоий-иқтисодиёт коллежида ташкил этилган “Иқтидорли ёшлар — юрт келажаги” ноли тадбир иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Тадбир доирасида хунармандчилик намуналари кўрсатилди ва ёш таламтлар ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тумандаги Транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси Ойгул Тождинованинг кўрсатмадан жой олган миниатюра жанридаги асарлари ва болалар ўйинчоқлари кўпчилигини диққатини жалб этди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ангрен шаҳар марказий болалар пифохонасида Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгаши ташкилотчилигида “Соғлом она ва бола — она бахти, жамият таянчи” мавзусида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ангрен шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, маҳалла маслаҳатчилари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ёш оналар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, барқамол авлодни вояга етказиш борасида, хусусан, Ангрен шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Людмила Кошелапова аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, ҳомиладор ҳамда туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлигини асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парваришлаш, уларнинг овқат рақционидagi сифат ҳамда қалория талаб даражасида бўлишини таъминлаш каби долзарб масалаларда партиямиз давлат ва жамoат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида самарали ишлар олиб бораётганини хусусида тўхталди. Иштирокчилар оналарнинг соғлом ҳаёт кечирishi учун кўмаклашиш, шу орқали ҳар жихатдан соғлом авлодни қамол топтириш, жамиятнинг асосий бўлини бўлган оналарга соғлом муҳит барқарорлигини сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканига эътибор қаратдилар.



Тадбир сўнгида Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгаши ҳамда ҳoмиладор томонидан 100 нафар ёш болани оналарга эсdалик совғалари тақдим этилди.

СУРХОНДАРЁ. Фарзандларимизнинг соғлом ўсини бир қатор омидаларга боғлик. Бунда оила, маҳалла, ўқув муассасаларининг ҳам ўз ўрни, эътибор талаб вазифалари бор. Инсон болалигидан бошлаб ўз соғлиғига масъулилик билан қарашга ўрганса, бу кўнжика доимий равишда мустаҳкамланади, у ўз саломатлигини қўқур англай боради. Албатта, бу борада катта ёшдаги кишиларнинг ёшларга ибрат бўлиши муҳим жиҳат саналади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Шеробод туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги Тиббиёт касб-хунар коллежида ташкил этилган учрашувда она шулар хусусида сўз юритилди. Тадбир қатнашчилари аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган кенг қўламли ишларда фуқароларнинг фаол иштирок этиши, соғлом турмуш тарзини риоя қилиши, ёшларнинг тиббий маданиятини шакллантириш, эрта никоҳнинг олдини олиш ҳақида фикр-мулоҳазаларни баён этишди.

Партия фаоллари, ўқитувчилар ўз сўзида, хусусан, қизларни эрта турмушга бериш ҳoлларига чек қўйишда оила, маҳалла, таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги, эрта турмуш қуриш қандай аянчли оқибатларга олиб келишини барча чуқур англаб етиши шарт эканини алоҳида таъкидладилар.

Вилоят партиа кенгашлари матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.  
Хурсанбег АРАББОВЕВ оилан сурат.

ОБОД ҚИШЛОҚЛАРНИНГ “АДОЛАТ” БОҒИ

ФАОЛИЯТ

Фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг инсонпарвар, халққил гояларини аҳоли орасига кенг ёйиш муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.

Партиямизнинг қуйи ташкилотлари, маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган депутатлик гуруҳларидаги депутат ва сайловчилар манфаатларини ифода этиш орқали ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб, аҳоли ўртасида ўз мавқенини мустаҳкамлашга эришмоқда. Жумладан, партиямизнинг Дехқонобод туман партиа ташкилотига уюшган 450 нафардан зиёд сафдошларимиз жойларда оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини уюшқоклик билан олиб бoришмоқда.

Аҳолининг мунтазам равишда ҳуқуқий билимларини, амалдаги қонунларга қатъий риоя қилиш кўнжикмасини ошириш, маҳаллалар ва ўқув юртлари тизимида ҳуқуқий маданиятни янада кучайтириш мақсадида туман партиа кенгаши томонидан қатор тадбирлар ўтказилапти. Ҳозирги кунда туманида “Адолат” СДПнинг 12 та бошланғич партиа ташкилотидa ўз максaд ва интилишларини сафимизда туриб рўёбга чиқариш истағида бирлашган маслакдошларимиз фаолият кўрсатишмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида БПТлар, депутатлар ва партиа фаоллари билан ҳамжihatликда ижтимоий-сиёсий йўналишда бир қатор тадбирларни юқори савияда ўтказдик. Хусусан, тумандаги “Обод”, “Дехқонобод”, “Пахтачи”, “Белбoғли” маҳаллалари ва “Бозортепа” кишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда тиббиёт коллежида уюштирилган учрашувлар аҳолининг тиббий маданиятини ва билимини оширишга қаратилди. “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, “Тиббий маданиятни шакллантириш услублари”, “Соғлом оила — соғлом жамият”, “Ёшлар соғлом турмуш

тарзини танлайди”, “Аёл соғлом экан, жамият мустаҳкам”, “Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш” каби мавзулардаги тадбирлар уларда иштирок этган 3000 нафардан зиёд фуқароларнинг мавзуга доир билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашди. Шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида туман хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла”




хайрия жамoат фондининг туман бўлими, “Қамолот” ЕИХ ҳамкорлигида хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими муассасалари ва электр тармоқлари қорхонасида меҳнат қилаётган аёллар ўртасида волейбол, баскетбол, югуриш мусобақалари ўтказилди.

Касб-хунар коллежлари битгирувчиларини ишга жойлаштириш доимий эътиборимиздаги масала саналади. Шу мақсадда тумандаги маҳаллалар ва касб-хунар коллежларида “Менинг бўлгуси иш жойим” шиори остида тадбирлар

ташқил этилди. Масалан, партиямизнинг “Аёллар қаноти” ва “Ёш адолатчилар” қаноти, ҳамкор идоралар билан биргаликда тумандаги агросаноат, саноат йўналишидаги коллежларда ўтказилган ана шундай тадбирларда 60 нафар битирувчига уч томонлама тузилган шартнома асосида амалиёт ўтаётган қорхонаси ҳақида кенг тушунчалар берилди. Айни вақтда, улар “Шўртангаз” қорхонаси, Дехқонобод калий заводи ҳамда “Шўртангазкимё” мажмуасида муким иш жойларига эга бўлишди.

Туманимиз тоғли ҳудуд бўлганлиги учун кишлоқ ва маҳаллаларимиздаги бир қатор ички йўллари таъмирлаш ёки янгидан барпо этишга эҳтиёж бор. Шунга назарда тутиб, бу борала



кейинги вақтларда анчагина хайрли ишлар қилинмоқда. Худудлар ободлиги, аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган бундай саъй-ҳаракатлардан маслакдошларимиз ҳам четда тургани йўқ. Айниқса, партиямизнинг “Жамoатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови” лойиҳаси доирасида жойларда тарғибот тадбирлари ва амалий ишларни бошлаб юбордик. Жумладан, “Бибиқорасоч”, “Ўмбoғок” маҳаллалари, шунингдек, тумангаз қорхонаси ва агросаноат йўналишидаги коллежларда “Йўллари асрайлик” мавзусида давра суҳ-

батлари ташкил этилди. Жорий йилда “Бибиқорасоч” маҳалла фаоллари йўлларидаги носозликлар хусусида халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан сайланган депутат Абдуқалил Шералиевага мурожаат қилишган эди. Шунга мувофиқ, А.Шералиев мавжуд камчиликларни барқарор этиш юзасидан тумандаги йўл пудрат таъмирлаш фойдаланиш қорхонаси ва бошқа мутасадди идораларга депутатлик сўрови киритди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан мутасадди ташкилотлар депутатимиз сўровига жавобан Ғузoр—Дехқонобод йўналишидаги 45 километр масофали йўлда таъмирлаш ишлари бошлаб юбордилар.

Шу кунларда тумандаги партиа ташкилотларимиз сайёҳаракати билан жойларда хайрия тадбирлари ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, “Белибойли” маҳалласида истикомат қилувчи 92 ёшли биринчи гуруҳ ногирони Шербой бобо Чориевнинг даволаниши учун фаолларимиз ёрдам кўрсатишди. Ижтимоий химояга эҳтиёжманд фуқароларга ҳомийларни жалб этган ҳолда ёрдам кўрсатиб, кексаларнинг ўз соғлиқларини тиклаб олишлари учун санаторийларга имтиёзли йўлнамалар билан таъминланишига кўмаклашамиз. Шунингдек, “Қорашина” кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 5 та кам таъминланган оилаларга ҳомийларни жалб этган ҳолда моддий кўмак берилди.

Бу йилги Наврўз байрамини дехқонободлик сафдошларимиз алоҳида кўтаринки руҳда қутиб олмақдалар. Байрам арафасида “Бозортепа” ва “Обод” кишлоқлари туташган ҳудудда партиямиз фаоллари ташаббуси билан мевали ва манзарали дарахт ни-

Партияларо рақобат кучаяётган айни пайтда партиямиздан ва унинг барча фаолларидан бугун кечаягидан, эртага эса бугунгидан кўра самаралироқ ишлашни ҳамда эл-юртимиз манфаати, она Ватанимиз равнақи ва келажаги учун янада фидойилик кўрсатишни даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Жовли САТТОРОВ,  
Дехқонобод туман кенгаши раиси



# ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ ЭЛ АРДОҒИДА

## ЎЗБЕКИСТОН — ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

*“Оқила, зукко, ташаббускор, истейодли, иқтидорли...”*

*Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлган опа-сингилларимизнинг ҳар бирида шундай сифат ва фазилатлар мужассам”.*

Тошкент педагогика касб-хунар коллежида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида “Зулфияхоним қизлари эл ардоғида” мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда иштирок этганлар яна бир бор шундай хулосага келишди.

Партиянинг “Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт” ижтимоий лойиҳаси доирасида ташкил этилган маъмур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати маъсул ходимлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, партия фаоллари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг тўлақонли билим олиши, касб-хунар сирларини эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидладилар.

Навқирон авлод, айниқса, қиз болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ўн икки йиллик таълим билан тўлиқ камраб олиш, замонавий касб-хунар эгаллаши, бандлигини таъминлаш учун барча шароит ва имкониятларни яратиш ёшларга оид давлат сибасининг ажралмас қисмини ташкил этади.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат, спорт соҳаларида изланаётган, аъло ўқини, фаоллиги билан тенгдошларига намуна бўлаётган қизлар сафини тобора кенгайтириш, уларни юксак мақсадлар сари руҳлантиришда қанот бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудири Райҳона Ҳасанова. — Жорий йилда ҳам 14 нафар иқтидорли қизга Зулфия номидаги Давлат мукофоти топирилгани, умуман олганда, истиқлол йилларида 240 нафар истеъдод соҳибаси ушбу нуфузли мукофотга лойиқ топилгани мамлакатимизда аёли муқаддас бўлиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларимизнинг овоз ва обод юртимиз келажиги бўлган ҳар томонлама етуқ ёшларни тарбиялашдаги бекиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол ифодасидир. Бундай эътибор ва ғамхўрлик партия-мизнинг хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдақ дастурий максатига мослиги билан бизни қувонтиради. Партиямиз сафида 60 мингдан ортиқ хотин-қизлар бирлашган бўлиб, улар

партия умумий аъзоларининг 51 фоизини ташкил этади. Аҳамиятлиси, улар орасида 20 дан ортиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, спортнинг турли йўналишлари бўйича 30 дан ортиқ республика ва халқаро мусобақалар совриндорлари ҳамда 20 га яқин фан, санъат ва мусика йўналишида халқаро олимпиада, фестиваллар волиблари бор. Партиямиз ташаббуси билан жойларда, таълим муассасалари, маҳаллаларда бу фаол ёшларимиз иштирокида “Зулфияхоним қизлари эл ардоғида” мавзуида ўтказилаётган маърифий-маънавий тадбирлар,



учрашувлардан қўзланган мақсад аса, аввало, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, уларнинг кенг қўлдами ислохотларни жаддалаштиришдаги фаол иштирокини ёшларимизга, уларнинг тенгдошларига ибрат қилиб кўрсатишдан иборат. Мукофот соҳибалари ўз ҳаётлари, касбий ютуқлари ҳақида сўзлаб, тенгдошларининг саволларига жавоб беришапти. Бу каби тадбирларнинг йил давомида республикамизнинг турли ҳудудларида ўтказилиши режалаштирилган. Токи, жонли мулоқот давонида қўлаб ўқувчи қизлар бу опа-сингиллари, уларнинг дунёқароши, фикрлашига ҳавас билан қарапса, уларга ўхшашига ҳаракат қилинса, биз ўз максатимизга етамиз, яъни жамиятимизда фаол, ташаббускор ва иқтидорли қизлар янада қўпайишига ҳисса қўшамиз.

Учрашувда таъкидланганидек, шу пайтга қадар халқимизнинг ардоқли шoirаси номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида мушоира уюштирилди, куй-қўшиқлар ўқури эдилди. Тадбирда иштирок этган коллеж ўқувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар, партия фаоллари ва Зулфияхоним қизларидан батафсил жавоб олдилар. Шу билан бирга, ўзлари тайёрлаган бадиий чиқишларни намойиш этишди.

мидаги мукофот билан тақдирланган қизларнинг 54 нафари адабиёт, 47 нафари санъат, 24 нафари фан, 42 нафари таълим йўналишларидаги ютуқлари учун ушбу мукофотга сазовор бўлишган. Аҳамиятли жиҳатларидан яна бири, 2014 йилда бўлиб ўтган халқ депутатлари маҳаллий вакиллик органларига сайловларда халқ вакиллари этиб сайланган хотин-қизлар орасида 8 нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бор.

2000 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлиш бахтига муяссар бўлганим, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ойдин Абдуллаева. — Қилган камтарин хизматим юксак даражада эътироф этилганида жуда ҳам хаяжонланганим, ўша йилги тантанали маросимда мукофотни олар эканман, ҳам шараф, ҳам ифтихор, шу билан бирга, улкан масъулиятни ҳис этганим. Бундай ишонччи оқлаш, ушбу мукофотга муносиб фарзанд бўлиш ҳар қандай кишидан ўз устидан муттасил ишлаш, меҳнат қилишни талаб этади. Бу мукофот келгуси муваффақиятларим учун куч бақиладди, десам янглишмайман.

Хусусан, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси кенгаши аъзо-

си бўлдим, республикамиз театраларида сахналаштирилган қатор спектакллар ва кино учун мусика басталашни ишониб топширишди, шунингдек, каминга томонидан басталанган мусиқий асарларнинг бир қисми мамлакатимиздаги таълим муассасалари ўқув репертуари ҳамда танловларнинг дастурига киритилди.

Бундан ташқари, маданият, санъат, спорт, журналистика ва бадиий ижод соҳаларидаги ижодкорларни муносиб даражада эътироф этиш, рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган “Эътироф — 2015” мукофоти тақдирлаш маросимида “Йилнинг энг яхши бастакори” номинацияси қолиби сифатида эътироф этишди. Бир сўз билан айтганда, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, аввало, ўзимга нисбатан ишончлини оширишга, касбий фаолиятимни янада ривожлантиришга, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаоллигимни кучайтиришимга қўмақ берди.

Шу ўринда, мол-мулкни жисмоний шахсларга ижара бериб даромад олаётган фуқароларнинг даромадлари декларация асосида солиқ солишини айрим фарқли ва ўзига хос жиҳатларини қайд этиб ўтиш жоиз.

Хусусан, Солиқ кодексининг 192-моддасига биноан, мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахслар ушбу даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш ҳуқуқ

# Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 2015 йилги бюджети ижроси ва 2016 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўзининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартда тасдиқланган “Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низоми” ва ўз Уставига мувофиқ амалга оширади.

Марказий ва ҳудудий партия ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жойларда ташкилий-партиявий, мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш натижасида 2015 йил мобайнида партия аъзоларининг сони 13 041 кишига қўпайиб, 2016 йил 1 январь ҳолатига қўра, 115 514 кишига етди. Бунда партиянинг белгиланган тартибда давлат томонидан молиялаштирилиши партия фаолиятини самарали ташкил этишга имкон яратди.

Партия Уставига биноан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг пул маблағлари давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан, партияга аъзолик бадалларидан, Ўзбекистон Республикаси юридик шахслар хайрияларидан, шунингдек, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан шаклланди.

Хисобот йили бошида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан партия даромадлар режаси ҳамда харажатлар сметаси тасдиқланиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан Марказий аппаратида кўрсатмалар берилди. Йил давомида Ижроия кўмита мунтазам равишда бу фаолиятнинг назоратини олиб борди ва зарурияти туғилган ҳолларда харажатлар сметасига ўзгартишлар киритилди.

2015 йил давомида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг ҳисоб рақамларига 7 миллиард 344 миллион 554,8 миң сўм маблағ келиб тушди. Улардан 6 миллиард 729 миллион 732,5 миң сўми давлат бюджети маблағлари бўлиб, ушбу маблағнинг 5 миллиард 887 миллион 755 миң сўми партия Устав фаолиятини олиб бориш, партия мафкураси, ғоя ва максалларини илгари суриш, тарғибот-ташвиқот ишлари, электорат манфаатларини химоя қилиш ва амалга ошириш, партия тадбирлари ва лойиҳаларини ташкил этиш, партия кадрлари ва фаоллари сиёсий ўқувини ўтказиш учун, 841 миллион 977,5 миң сўм маблағ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайлов харажатларини молиялаштириш учун ажратилди.

Партиянинг ўз фаолиятини олишга тушумлар 2015 йил давомида 614 миллион 822,3 миң сўми ташкил этган бўлиб, улардан 591 миллион 607,3 миң сўми аъзолик бадалларидан, 2 миллион 100 миң сўми пул кўринишида, 2 миллион 449,3 миң сўми китоблар, турли хилдаги плакатлар кўринишида хомийлик ёрдамида ва 18 миллион 665,1 миң сўми бошқа тушумлардан ҳосил бўлган маблағлардир.

2014 йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ташкил этиш ва қайта сайловни ўтказиш учун ажратилган жами 643 миллион 050,5 миң сўм маблағнинг сарфланмаган 227 миллион 091,8 миң сўми ҳамда 2015 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда иштирок этиш учун ажратилган 841 миллион 977,5 миң сўм маблағнинг сарфланмаган 515 миллион 669,4 миң сўми, жами 742 миллион 761,2 миң сўм давлат бюджетига қайтарилди.

2015 йил учун давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 4 миллиард 687 миллион 438,5 миң сўм партиянинг Марказий ва ҳудудий ижро этувчи аппаратлари жорий харажатлари учун сарф этилган бўлиб, улардан 3 миллиард 496 миллион 255,1 миң сўми иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, энг намунали ишлаган партия ходимларини моддий рағбатлантириш ва унга ажратмалар учун сарфланган. Партия аъзоларининг ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш учун 176 миллион 817,6 миң сўм, конференциялар ва курултойлар ўтказиш, партия фаолларини ўқитиш, семинарлар ва тренинглар ўтказиш учун 120 миллион 524,3 миң сўм сарфланди.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Марказий аппарати томонидан вилоят партия ташкилотларига юқлатилган вазифаларни тўлақонли, ўз вақтида ҳамда сифати амалга ошириш мақсадида турли тадбирлар ўтказиш, аъзолар билан бевосита ишлаш ҳамда уларнинг сонини қўпайтиришга таъсир этувчи асосий кўрсаткичларидан

бири моддий-техника базаси билан таъминланганлиги ҳисобланади. Хисобот даврида ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларининг моддий-техника базаси билан таъминланганлик даражаси мониторинг қилини ҳамда мониторинг таҳлиллари натижасида вилоят партия ташкилотлари моддий-техника базаси тўлиқлигини таъминлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилди ҳамда асосий воситалар сотиб олинган ва моддий-техника базасини тўлдирish учун бюджет маблағларининг 647 миллион 045,5 миң сўми сарфланди.

Шунингдек, мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари, бино ва транспорт воситаларини жорий таъмирлаш учун 84 миллион 039,1 миң сўм, ижро этувчи аппаратининг бошқа харажатлари учун 144 миллион 264,4 миң сўм сарфланди.

2016 йил 1 январь ҳолатига партиянинг 169 миллион 279,8 миң сўмлик товар-моддий бойликлари ва 2 миллиард 657 миллион 798,1 миң сўмлик асосий воситалари ва 347 миллион 469,7 миң сўмлик ўрнатилган мулклар билан таъминланганлик даражаси мониторинг қилини ҳамда мониторинг таҳлиллари натижасида вилоят партия ташкилотлари моддий-техника базаси тўлиқлигини таъминлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилди ҳамда асосий воситалар сотиб олинган ва моддий-техника базасини тўлдирish учун бюджет маблағларининг 647 миллион 045,5 миң сўми сарфланди.

Шунингдек, мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари, бино ва транспорт воситаларини жорий таъмирлаш учун 84 миллион 039,1 миң сўм, ижро этувчи аппаратининг бошқа харажатлари учун 144 миллион 264,4 миң сўм сарфланди.

2016 йил 1 январь ҳолатига партиянинг 169 миллион 279,8 миң сўмлик товар-моддий бойликлари ва 2 миллиард 657 миллион 798,1 миң сўмлик асосий воситалари ва 347 миллион 469,7 миң сўмлик ўрнатилган мулклар билан таъминланганлик даражаси мониторинг қилини ҳамда мониторинг таҳлиллари натижасида вилоят партия ташкилотлари моддий-техника базаси тўлиқлигини таъминлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилди ҳамда асосий воситалар сотиб олинган ва моддий-техника базасини тўлдирish учун бюджет маблағларининг 647 миллион 045,5 миң сўми сарфланди.

Партиянинг 2016 йилда даромадлари жами 8 миллиард 711 миллион 588,6 миң сўми ташкил қилини кутилмоқда. Шундан 7 миллиард 347 миллион 718 миң сўм давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, 651 миллион 620,7 миң сўм аъзолик бадалларидан олинган тушумлардир. Марказий аппарат ва ҳудудий партия ташкилотларининг йил бошига ҳисоб рақамларидаги қолдиқ маблағлар 712 миллион 249,9 миң сўми ташкил этади.

Партиянинг 2016 йилдаги бюджетининг асосий кўрсаткичлари қуйилган тартибда молиялаштирилиши режалаштирилди: жумладан, барча бўғинлардаги ижроия аппарати ходимларининг иш ҳақи, мукофот, моддий ёрдам, пенсия фондида боғлиқ харажатларга 85,4 фоиз, коммунал хизматлар, партия мулкни сақлаш, ижара ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга 6,0 фоиз, партиявий тадбирларни ўтказиш, шу жумладан, партия фаолларини ўқитиш, дара суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларга 3,7 фоиз, асосий воситалар, жумладан, автотransпорт воситалари, оргтехника, алоқа воситалари, мебель жиҳозлари, товар-моддий бойликларини харид қилиш учун 2,5 фоиз, партия Устав фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларга 2,4 фоиз.

2015 йилда партиянинг Марказий назорат тафтиш комиссияси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан марказий ва жойлардаги ижроия аппаратларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти ўрганиб чиқилди. Текширув даврида жойларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи қондаларининг бузилиши, аъзолик бадалларини қабул қилиш ва сарфлашда ҳамда партия мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Текширув натижаларига қўра мунтазам тафтиш ходимларига нисбатан мос равишда чоралар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси томонидан 2016 йил февраль ойида партия фаолиятини молиялаштириш учун 2015 йилда ажратилган давлат бюджети маблағлари ва бошқа даромадларининг шаклланиши ҳамда ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланишининг қонунийлигини ўрганиш натижаларида кўрсатилган хато ва камчиликлардан хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва уларнинг бажарилиши таъминланмоқда.

Партиянинг 2015 йилдаги молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи партия Сиёсий Кенгаши Пленумида атрофлича кўриб чиқилди. Партия фаоллари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ва депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу Пленумда партия бюджети маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг замонавий усулларидан унумли фойдаланиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилди. Бу таклиф ва тавсиялар жорий йилда партиянинг молиявий фаолиятини янада тақомиллаштириш жараёнида ҳисобга олинини белгиланди.

## Хуқуқий маслаҳат

— Яқинда радио орқали фуқаролар даромадлари ҳақидаги декларацияларини солиқ органларига бериб тақдим этиш лозимлиги ҳақидаги эълонни эшитиб қолдим. Мазкур декларацияни тақдим этиш шартлари ва муддатлари ҳақида маълумот берсангиз.

Нигора Қобилова,  
Тошкент шаҳри

— Жисмоний шахслар юқоридан қайд этилган даромадлари бўйича жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этишлари лозим.

Даромадлар ҳақидаги декларация жисмоний шахс томонидан ўзига қўлай бўлган усулда — давлат солиқ хизмати органига шахсан бериб, почта хизмати орқали буюртма хат шаклида ёки Давлат солиқ қўмитасининг махсус “Электрон солиқ декларациялари” давлат интерактив хизматидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, агар жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадидан унинг аризасига қўра солиқ энг юқори ставка асосида ушлаб қолingan бўлса, декларация тақдим этилмайди, бироқ ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси резиденти га айланган чет эл фуқароларига нисбатан таъбиқ этилмайди.

Шу ўринда, мол-мулкни жисмоний шахсларга ижара бериб даромад олаётган фуқароларнинг даромадлари декларация асосида солиқ солишини айрим фарқли ва ўзига хос жиҳатларини қайд этиб ўтиш жоиз.

Хусусан, Солиқ кодексининг 192-моддасига биноан, мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахслар ушбу даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш ҳуқуқ

нинг ундирилиши солиқ тўловчини солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Бундан ташқари, мuddатидо тўламаган ушбу солиқлар бўйича жисмоний шахсларга нисбатан мажбурий ундириш чоралари қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда ёки суд тартибидо амалга оширилади.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш борасида жорий йилдан бошлаб амалдаги қонуни ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макрокўрсаткичлари прогнозидо”-ги Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида”-ги ПҚ-2455-сонли қарори билан 2016 йил 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинган даромад солиқи бўйича солиқ солинадиган даромадларнинг иккинчи гуруҳи (энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача) учун белгиланган солиқ ставкаси 2015 йилдаги 8,5 фоиздан 7,5 фоизга пасайтирилди.

Шу билан бирга, маъмур қарор билан Солиқ кодексининг 181-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг энг кам ставка бўйича солиқ солинадиган алоҳида даромадларига солиқ солиш мақсадида қабул қилинган энг кам ставка 2015 йилдаги 8,5 фоиздан 7,5 фоизга туширилди.

Жумладан, жисмоний шахсларнинг энг кам ставкада солиқ солинадиган даромадларига жумладан мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларини, жисмоний шахслардан текис олинган улушлар, пайлар ва акциялар тартибдаги даромадларини, хусусий мулк хуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадларни киритиш мумкин.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Равшан НАСИМОВ жавоб берди.

# ЮТУҚЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРГА УНДАЙДИ

## ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги Пленумида 2015 йилдаги намунали фаолияти учун фахрли ўринларга сазовор бўлган ҳудудий ташкилотлар рағбатлантирилди. Йилнинг энг фаол ҳудудий партия ташкилотлари қаторидан жой олган Андижон шаҳар партия кенгаши 3-даражали диплом ва рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.



адолат — ҳар бир инсон учун" ғоясига йўғрилган Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида белгилаб берилганидек, партия мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Дунёнинг турли минтакаларида зиддиятлар, бекарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан химоя қилишимиз зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Бу эътироф андижонлик сафдошларни янада фаол ишлашга, юртимиз сиёсий майдонидаги ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётган, халқчил ғоялари, аниқ мақсадли вазифалари, Сайловолди дастурининг изчил ижроси билан электротат ишончини қозониб, сафларини кенгайтираётган партияимизнинг ҳудудий тизимида етакчи кучга айланишга руҳлантирмоқда.

— Ташаббус ташаббусга, иш ишга йўл очади, — дейди шаҳар партия кенгаши раиси Қосимжон Қаюмов. — Ўтган йили биз янги йўл туздик, фаолиятимизга танқидий ёндашиб, режаларимизни пухта ишлаб чиқдик. Унда қатор муҳим вазифалар билан бирга партиявий ташаббусларга ва янги лойиҳаларга ҳам алоҳида урғу берилди. Чунки амалий ишларнинг кўп соғли сайловчилар ва электротат эътиборига тушади. Қизгин саъй-ҳаракатлар аҳолининг

партияга бўлган ишончини оширади.

Шундай самарали омилларга таянган ҳудудий ташкилот, энг аввало, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш ташаббусини илгари суриб, уларни қўллаб-қувватлади. Янгиликка интилувчан, қобилиятли ёшларни рағбатлантириб, уларга мададкор бўлди. Андижон тиббиёт институти магистранти, баскетбол ишқибози Жасурбек Бўтаев, шу ўқув даргоҳи талабаси, стол теннисчиси Ойдин Ёқубова сингари ўйлаб иктидорли ёшлар кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақаларда ғолиб чиқиб, "Адолат" совриндорлари бўлишди. Наврўз байрамига бағишлаб ёшлар ўртасида фудзал бўйича ташкил этилган турнир ҳам шаҳардаги тўртта олий ўқув юрти талабаларининг ўзига хос кўригига айланди.

Соғлом бола миллат келажагидир. "Адолат" — ҳаётимизнинг бош мезони,

рарли таъсирлардан ёшларни химоя қилиш партиянинг барча бўғинларида, шу жумладан, ҳудудий ташкилотларида ҳам асосий вазифалардан бирига айланган. Бу борада Андижон шаҳар партия кенгаши барча имкониятларни ишга солмоқда.

Партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини ўзига уйғунлаштирган "Ватан келажаги ёшлар қўлида", "Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик" ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда. Мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бугунги куннинг долзарб мавзуларида бир-биридан қизиқарли тадбирлар ўтказаяпти. Шаҳардаги касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларида

бўлиб, янги авлод вакиллари оша Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга ундамоқда. Олиб борилган кенг қўламли тарбиёт-ташвиқот ишлари ёшлар онгу шуурида янги ўзгаришларни юзага келтиряпти. Шу обод юрт, гуллаган масканга меҳру муҳаббатини кучайтирмоқда. Ўзларининг тақдирига бефарқ бўлмаган, аҳоли қатламлари, шу жумладан, ёшлар орасига чуқур кириб бораётган, уларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлаётган "Адолат" СДПга ишончлари ортиб, партия сафида бўлишга қарор қилишмоқда. Бунинг самарасини биз партияга аъзо бўлиб, унинг ғояларини изчил амалга оширишга киришган, мақсад-вазифаларини юзага чиқаришга яқиндан ёрдам бераётган 1200 нафар йигит-қизнинг фаолиятида кўраимиз.

Бугунги кунда шаҳар кенгашининг мустаҳкам таянчига айланиб бораётган 20 та БПТ 1756 нафар партия аъзосини ўзидан бирлаштирган. Сафдошларнинг катта қисмини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этади. Кейинги олти ой-

нинг ўзида шаҳардаги БПТлар сони олтига кўпайди. Партия аъзолари сони эса 221 нафарга ошди. Партия сафларини кенгайтириш ва БПТлар сонини кўпайтириш борасидаги дадил саъй-ҳаракатларни изчил давом эттираётган ҳудудий ташкилот янги имкониятларни ишга солмоқда. Шаҳардаги ўйлаб ташкилотларда, меҳнат жамоаларида ўтказаятган тадбирларида сиёсий куч фаолиятини тарғиб этаёпти. Партия ғояси, мақсад ва вазифалари, Сайловолди дастури ҳақида тадбир қатнашчиларига кенг тушунтиришлар бериб, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида қилинаётган ишлар, шаҳар партия кенгаши олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўзлаб беришмоқда. Ирода Қосимжонова, Шохидо Валиева, Ойгул Маматалиева, Раҳнамо Ўринбоева, Акмалжон Тожибоев, Зухриддин Шокиров, Незматжон Ўрмонов, Сарварбек Исмоилов каби фаоллар бу борадаги ишларга қанот бағишлаб, ҳудудий ташкилот нуфузини кучайтиришга хисса қўшмоқдалар.

**Бир сўз билан айтганда, андижонлик сафдошлар янгиликка интилиб яшамоқдалар. Янги мақсад ва орзулар рўёби учун баҳамжиҳат иш олиб боришяпти. Эришилган ютуқлар уларни янги марралар сари ундайди. Ташаббускор ва фаол партиядошлар ҳали кўп эзгу ишларда сафдошларига ибрат бўлишади.**

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,  
«Adolat» мухбири

## ШУКРОНАЛИК

Баҳорнинг дилларга хуш кайфият бағишловчи манзарасига боқиб тўймайсан. Қишлоқ йўлининг ҳар икки четига садафдек тизилган олча, ўрик дарахлари кийгос гуллаган. Адоғи Ёўбдин тоғларига тутшиб кетган поён-сиз бугдойзор йил тўқин-сочин келишидан далолат бергандек яшнаб ўсмоқда. Йўл ёқасида намунавий лойиҳа асосида қурилган янги уй-жойларда ҳам ҳаёт завқи, яшариш ва ободлик нафаси ҳукмрон. Кимдир дераза ортидаги майдонга гул кўчатлари экмоқда, кимдир дарахт суғормоқда, ҳовли жойларини супуриб тартибга келтирмоқда. Хуллас, кўклам дилга уйғоқ ҳиссиётларни олиб кирган.

## 96 БАҲОРНИ ҚАРШИЛАГАН САФДОШИМИЗ



Бу йил 96 баҳорни қарши олган булғунғурлик пиру бадавлат отахон Раҳмон бобо Назаров қишлоқдаги ҳар бир ўзгаришдан, ҳамқишлоқларининг иш тутумию, кийиниши, муомала одобидан кўнгли тўлиб хулоса чиқаради. Турмуш маданияти кун сайин юксалиб, ҳаётда муносиб яшашга бўлган иштиёқ, интилиш кучайиб бораётгани, ҳар бир оила манфаати жамият манфаатлари билан бир қаторга қўйилаётганлигини бот-бот таъкидлайди.

— Булғунғурнинг табиати, суви, далалар, боғроғлари азалдан фаровонлик, тўқин-сочинлик манбаи бўлган, — деб эътироф этади отахон. — Мен ҳам шу заминда улғайиб, умргузаронлик қилганимдан, элнинг қорига яраб иззат топангидан, қомил фарзандлар тарбиялаб, юрт хизматига йўллаганимдан бахтиёрман.

Дарвоқе, олий маълумотли, халқ таълимни аълочилиси, захматқаш мураббий Раҳмон бобо Назаров умрининг эллик йилдан ортигини ёшлар тарбиясига бағишлади. Таълим соҳасида турли масъул лавозимларда меҳнат қилди. Бир-биридан истеъдодли шогирдларни вояга етказди. Уларга илму маърифат билан бирга одамийлик сабоқларини, эл-юртга садоқатли бўлиб яшашни ўргатди.

Оққан дарё оқавради деганларидек, қиндик қони тўқилган ерига чексиз меҳру оқибатни, эзгуликларни қалбига жо этган нуруний отахон бугун ҳам қутлуғ ниятлар билан яшаб, маҳалла ҳаётида, ёшлар тарбиясида ўзини масъул билади. Тумандаги "Янгиобод" маҳалласида тўю маъракалар, хашар-ободончиликлар, халқ сайллари унинг иштирокисиз ўтмайди. Томорқа хўжалигини йўлга қўйиб қорамол, парранда боқилиши, оила эҳтиёжлари учун кўпроқ даромад топишни истаган қўшилар, энг аввало, отахондан маслаҳат сўрашади. Чунки Раҳмон бобонинг ҳаётий тажрибаси, дехқончилик илмидан яхшигина хабардорлиги ҳар доим ўзи ва ўзгаларга асқотиб келган. Отахоннинг обод ва саранжом ҳовлисидаги лимонзор, анору гилос, шафтоли кўчатлари, томорқага қатор-қатор қилиб экилган сабзавот-қўқатлар кишининг баҳру дилини очади. Раҳмон бобо эса неваря, эвараларини ёнига қорлаб, дов-дарахтларни, экинларни биргаликда парваришлайди. Шу жараёнда болаларда табиатта, унинг мавжудотларига нисбатан меҳру уйғотишга ҳаракат қилади.

Отахоннинг тўнғич фарзанди Олим Назаров "Адолат" СДП фаолларидан. У халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сифатида қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, оилалар фаровонлигини оширишда ҳар доим ташаббускор. Маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органида салмоқли тақлифлар билан иштирок этиб келмоқда. Эҳтимол шунинг учун, Назаровлар оиласида кўпчилик партияимизга хайрихоҳ ёки унга аъзо бўлиб киришган. Оила бошлиғи Раҳмон бобо ҳам ўзининг 96 ёшида "Адолат" партиясига, унинг ғояларига хизмат қилиш учун вужудига куч-қувват топа олишини фахр-ифтихор билан таъкидлайди.

Чунки ҳаётда эътиқодга амал қилиб яшаган инсон ҳеч қачон қоқилмайди. Ўзи ва ўзгалар учун янги фазилатларни кашф этади. Баҳор айёми арафасида захматқаш мураббий, партиядошимиз Раҳмон бобо Назаровга олижаноб мақсадлар йўлида асло хори-манг, қалбингиз, вужудингиз эзгуликлар билан тетик бўлсин, деймиз.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,  
«Adolat» мухбири

UZTELECOM

## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”

акциядорлик компанияси жамоаси

Барча юртдошларимизни Наврўз — умумхалқ байрами билан самимий мубораквод этади.

Кўп мине йиллик Вой маънавий қадриятларимизнинг кўзгусига айланган янгилаш Ва яшариш айёмининг воқий анъаналари манеу Вардавом Вўлсин. Байрам шўқўхидан янада чирой очган сузал Ва Ветакрор, мафтункор юртимиз Жадал тараққий этив, турмуш фаровонлигимиз юксалаВерсин! Юксак марраларни завт этаётган меҳнатқаш, вағрикене, вунёдкор халқимиз соғ-омон Вўлсин! Барчангизга ваҳт-саодат, хонадонгизга тинчлик-хотиржамлик, ҳурлар ичра ҳур, тенглар ичра тене жонажон она Ватанимизнинг порлоқ истиқволи йўлидаги улўвор ишларингизда улкан ютуқлар тилайди.

Наврўзи олам муборак Вўлсин, азиз юртдошлар!

Reklama

# “Доим оғилур гул бўлса Наврўз...”



Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Бу ғазалларнинг айримлари матбуотимизда кенг шарҳланган. Масалан, “Фавоид ул-кибар”нинг 420-ғазалини филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжа яхши шарҳлаган.

Хўш, Наврўз буюк шоир ғазалларида қандай бадий тасвир воситаси сифатида хизмат қилган? Ана шу саволга жавоб бериш учун ҳозир биргина ғазални – “Наводир уш-шабоб”даги 210-ғазални байтма-байт кўриб ўтайлик.

Бу ғазалда Наврўз тимсоли лирик қаҳрамон – ошиқ қалбда кечган позик ва кайтарилмас оний туйғулар ифодаси учун асқотган.

Матлаъ:

*Кўрунур оташиң лаълиң дилафрўз,  
Магар оллида чектим охи жонсўз.*

“Оҳ” – тасавуф истилоҳи сифатида ишқнинг қамолга етганидан аломату нишона. Лекин шундай нишонаки, бунинг тафсилотини шарҳ қилишга ошиқнинг тили – лол. Демак, ёрнинг мафтункор, оташиң лаъли, яъни чўдек қил-қизил лаби кўринди. Бироқ ошиқ унинг олдида жонини қуйдирувчи оҳ чека олади, холос. “Оташиң лаъл” тимсолида ҳам, нозик кузатилса, баҳорда гунчаларнинг кизариб туриши билан мутаносиблик бор. Бу алоқамандлик ғазалнинг кейинги – бевосита Наврўз тасвирига ўтилган байтларида янада ойдинлашади.

Иккинчи байт:

*Тошмас нур аро оламда хуршид,  
Кўрунғач ул жамоли оламафрўз.*

Бу байтда айтилишича, ёрнинг (демакки, Аллоҳнинг) оламни мафтун этувчи жамоли кўрунғач, бу нур ичра Кўёш ҳам топиламан қолади.

Рост-да, бу кенг оламда Яратганининг ҳукмидаги қонот нури ичра Кўёш ҳам бир заррадек нарса!

Учинчи байт:

*Висол айёми тонг йўқ оҳса рухсор  
Ки, доим очилур гул бўлса Наврўз.*

Бу кўшимсизга келиб шоир матлаъдаги гунчага боғлайди фикрни: висол айёмида ёр рухсорини кўрсатса, ажабланадиган жойи йўқ. Чунки доим Наврўз бўлганда гул очилади. Бунда Наврўз висол айёмига қисланган.

Тўртинчи байт:

*Кўёш остида гардуң сабз хинги –*

*Кўрунмас, маҳвашим чун минса кўкбўз.*

Наврўзда халқ ям-яшил тусга кирган дала-дашларга сайрга чиқади. Бу байтда шоир ана шу халқона одатдан лирик қаҳрамон кайфиятини баён этиш учун фойдаланган: унинг ёри – Махваши (“Маҳ” – Ой, “ваши” – ўхшаш дегани) кўкбўз отига миниб, сайрга чикса, Кўёш остида гардуңнинг яшил бўз оти, яъни ҳақиқий Ой кўринмай ҳам қолади. Кўёш чикқанда Ойнинг кўринмай қолиши – аниқ-ку. Байтда шоир Ойни “гардуң сабз

хинги”, яъни осмон кўкбўз оти деб айтгани учун ёрни “Махваши” дейди. “Сабз хинг”, яъни яшил бўз от тилга олингани учун ҳам ёр минган от “кўкбўз” дейлади. Кўкламда от миниб, сайрга чиқиш одати борлиги сабабли ҳам от тилга олинган, шунинг учун ҳам у от “кўкбўз”.

Ғазалнинг кейинги мароми ҳам ана шу табиат таассуротларидан келиб чиқадиган туйғуларнинг давоми бўлиб қаранглайди.

Бешинчи байт:

*Кўнгулга гам тошидин берма рамким,  
Ҳануз ул сайд эрур мурғи навомўз.*

Баҳорда ов қилишининг ҳам ўзига хос гаши бор. Бевосита ов манзараси билан боғлиқ бу байтда муаллиф: “Ғам тоши билан кўрқитма”, – дейди. Чунки энди баҳор фасли киши кўнгулдан гаму андуҳни фориг этади-да. “Мурғи навомўз” – янги ўргатилган қуш. Бу ерда ов қуши кўзда тутилган, албатта. Лекин унинг “навомўз” дейилиши бежиз эмас. Аввало, Наврўз янги йилнинг боши: “нав” – янги, “рўз” – кун эканини бугун ҳамма билади. “Навомўз”даги “нав” ҳам янги дегани, “омўз” эса ўргатилган деган маънода келади.

Олтинчи байт:

*Қадахши даврдин тиндурма бир дам,  
Кўнгулни даҳрдин топсанг гамандўз.*

Бу байтда лирик қаҳрамон кўнгулдан дунё гамини қувиш учун бир дам ҳам тиндирмай қадах айлангирини истайди.

Мақтаъ:

*Кўп отинг новаки дилдўз, ваҳм эт,  
Навоий ҳам чекардин охи дилдўз.*

Кўриниб турибдики, ғазалнинг охирига байтига келиб ошиқ фикр манткини яна “оҳ” тимсолига улайди. Шоир гўё ўз-ўзига мурожаат қилиб: “Дилга озор берувчи ўқлар кўп отган бўлсанг ҳам, эй Навоий, дилга озор берувчи оҳ чекишдан кўрқкин”, – дейди. Бу билан айтмоқчики, ҳали ишқнинг қамолга етган эмасми, ҳали дунёнинг, ишқнинг охирига етганини йўқми, демак, ишқ қамолдан нишона бўлиши оҳ чекаверишдан кўрқин керак...

Биргина Наврўз таровати шоир учун шунчалар зўр илҳом манбаи бўлганки, ғазалнинг бошидан охиригача у кўнгулда кечган хис-туйғуларни бошқариб турган.

Мазкур ғазал ҳақида Наврўз баҳонаси билан бир ўқишда туғилган тасавуруларгина айтилаётибди, холос. Ғазалнинг теран илмий тахлили орқали улуғ шоир маҳоратининг ҳали тубига етилмаган талай жозибаларини қашф этиш мумкин.

Султонмурод ОЛИМ,


Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси

## SEMINAR

Наврўз байрамига бағишлаб Ўзбекистон “Адолат” СДП Пахтаобод туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги Енгил саноат касб-ҳунар коллежида “Ёшлар миллий либослар тарғиботчиси” мавзусида кўргазмали семинар ташкил этилди.

## МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР

маънавиятимиз ифодаси



Миллийликни акс эттирувчи либослар, расм ва ҳунармандчилик буюмлари иштирокчиларда кизиктириш уйғотди. Айниқса, тикувчилик ва дизайнер йўналиши ўқувчилари томонидан тайёрланган замонавий ва миллий услубдаги кийимлар мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

Ёш кизларнинг саҳнадаги чиқишларида ҳам миллий кадрларимиз ва тарихимизни қанчаллик севишлари ўз ифодасини топди. Улар ижросидаги мумтоз наволар ва гўзаллик фасли бўлган баҳорни ифодаловчи сахна кўринишларида халқимиз маънавияти ва истиқлол берган имкониятлар ёрқин акс этди.

— Бугунги тадбир битирувчилар томонидан ташкил этилди, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, партия фаоли З.Йўлдошева. — Қувонганимиз, улар уч йил давомида танлаган йўналишлари бўйича билим олиш билан бирга маънавиятчи, Ватан олдидаги фуқаролик масъулиятини чуқур англаган инсонлар сифатида ҳам вояга етди. Ишонамизки, улар келажакда юртимиз раванкига муносиб ҳисса қўшади.

Тадбир ижодкор ёшларнинг баҳор мушоирасига улашиб кетди.

Акбаржон НАЗАРОВ,  
«Adolat» муҳбири



## “Микрокредитбанк”

акциядорлик тижорат банки  
жамоаси

бутун Ўзбекистон аҳлини  
яшариш ва янгилашни айёми —  
НАРЎЗИ олам билан муборакбод этади.

Баҳорий кайфият ва шоду хуррамлик  
ҳар бирингизнинг доимий ҳамроҳингиз бўлсин.  
Наврўз хонадонингизга қут-барақа,  
олам-олам қувонч олиб келсин, азиз юртдошлар!

“Микрокредитбанк” — ҳар бир оила мададкори!

ЭЗГУ ҚАДРИЯТ

ХАШАР

Кўзда кўёш чарақлаб ўлкамизга фаслар келинчаги - баҳор келганидан дарак бермоқда. Бу уйғониш, яшариш ва янгиланиш палласида бутун борлиқ қайта жонланади. Теварак-атроф яшил либос кийиб, қир-адирлар гулларга бурканиб, киши кўзини қувнатади.

Баҳор фасли мафтункор байрамларга бойлиги билан ҳам кўнгилларга шодлик улашади. Халқаро хотин-қизлар кунини - баҳорнинг илк айёми. Наврўз эса ўзида қадимий анъана ва урф-одатларимиз, меҳр-оқибат ва саховат каби юксак инсоний фазилатларни намоен этиши билан ажралиб туради.

Дарҳақиқат, халқимизнинг умрибодий анъаналари замирида эзгу ғоялар мужассам. Бунга илдизи узок ўтмишга бориб тақаладиган, мазмун-моҳиятида аҳиллик, бунёдкорлик, беминнат кўмак, хайру саховат акс этган хашар мисолида тўхталадиган бўлсак, кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихат меҳнат қилишида ҳам ҳикмат кўп. Шу ўринда Ғарб менталитетида - индивидуализм (ёлғизлик, якка тартиб), Шарқ халқлари (жумладан, ўзбек) менталитетиники эса - жамоавийлик хусусияти устун экани ҳам фикримизни янада ойдинлаштиради. Биз ўзимизни жамоасиз, маҳалла-қўйсиз тасаввур қила олмаймиз. Демак,

Ғарб одами якка ўзи бир неча ойлаб бажара олмаган ишни биз жамоа иштирокида, хашар йўли билан бир неча соатда уддалаймиз.

Манбаларда қайд этилишича, ижтимоий ҳамкорлик ва беғараз ёрдам шаклларида бири ҳисобланган хашар тезкорлик билан бажариш зарур бўлган ишлар (хосилни зудлик билан йиғиб олиш) ва катта меҳнат талаб иншоотларни бунёд этиш (канал қазиб, йўл ва кўприклар қуриш)да жуда қўл келган, боғу роғларни барпо қилиш, масканларни ободонлаштириш асосан хашар орқали бажарилган. Маҳалла аҳли томонидан камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳам беминнат кўмак - хашар уюштирилган...

Истиклол йилларида юртимизда хашар янгича мазмун-моҳият касб этди. Умумхалқ байрамлари олдидан бутун республикамиз миқёсида хайрия хашарларини ташкил этиш эзгу анъанага айланди. Чунончи, хар йили табиат уйғо-

ниши, яшариш ва янгиланиш рамзи - Наврўз айёми арафасида ўтказиладиган хашарда иштирок этиш барча-барча - кексаю ёшга баҳорий кайфият, яратувчанлик завқини бахшида этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартдаги фармойиши билан жорий йилнинг март - апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 12-13 март кунлари умумхалқ хайрия хашари, деб эълон қилиниб, унинг доирасида кенг қўламли бунёдкорлик, эзгу саховат тадбирлари амалга оширилмоқда. Хусусан, бўлиб ўтган умумхалқ хайрия хашарида фуқаролар йиғинлари, "Қамолот" ЁИХ, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари, таълим муассасалари ўқитувчилари, ўқувчи ҳамда талабалари - кенг жамоатчилик вакиллари фаоллик кўрсатди.

Хашарда 18,4 миллион нафардан ортик аҳоли, шу жумладан, 11,5 миллион нафарга яқин ёшлар фаол қатнашди. Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан олинган маълумотга кўра, икки кун мобайнида 43,7 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилган, 27,7 минг километр ариқ ва лотоклар тозаланган, 8,8 мингта қабристон ҳамда 800 га яқин зиёратгоҳ тартибга келтирилган. Шу би-



лан бирга, 12 миллионга яқин манзарали, 10 миллиондан зиёд мевали дарахт кўчатлари экилган. Кўчалар ва йўлларни янада кўркемлаштириш мақсадида 14 миллиондан ортик гул кўчатлари ўтказилган.

Хашар кунларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига мурувват ёрдамлари кўрсатилгани ҳам эътирофга молик.

Халқимиз Наврўз олами янги кун, янги йил боши дея эъзозлайди. Элимизнинг ҳамжихатлиги, бунёдкорлиги эса умумхалқ хашарида ҳам яққол намойён бўлиб, эзгу мақсадларимиз бардавонлигидан далолат беради.

Суюндик МАМИРОВ, «Adolat» мухбири

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларида, қишлоқ ҳамда маҳаллаларида умумхалқ хашари юқори савидада ташкил этилди. Мазкур хайрия тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 5 минг нафарга яқин сурхондарёлик аъзолари ҳам муносиб иштирок этишди.

Ота-боболаримиз азалдан катта ишларни ҳамжихатликда хал қилишган. Ушбу жараёнда ёр-дўстлар, кўни-қўшинларнинг бир-бирига бўлган ўзаро меҳр-оқибати ҳам мустаҳкамланиб борган, - дейди вилоят партия кенгаши мутахассиси Сардорбек Хамроев. - Юртимизда кўклам нафаси кезмоқда, дарахтлар куртак очиб, янги новдалар чиқаришга ошқаяпти, майсалар киш уйқусидан уйғониб, она замин бағрини яшнатмоқда. Табиатга жон кирган шундай дамларда атроф-муҳит гўзаллигига ҳисса қўшишимиз ҳам яхши амаллардан саналади.

Хашар кунлари маҳаллалар, аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасалар атрофи ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди. «Хашар - элга ярашар» деганларидек, умумхалқ хайрия хашарида янги боғ ва гулзорлар барпо этилиб, дарахтлар оқланди, шаҳару қишлоқлар янада мафтункор кифоа касб этди.

Мақсуд ТўРАЕВ, Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Агар Наврўзи олам душанба кунини доҳил бўлса, қамар ойига тааллуқли бўлмай. Ул йил тўқлиқ бўлмай, неъматлар кўп бўлмай, ёмғир кўп ёқмай. Ғўза экинни яхши бўлмай. Бурдой ширин бўлур.

Ҳожи Али Ҳақим Термизийнинг "Наврўзнома" асаридан

...Наврўз кунинда бир соат (пайт) бор, шу соатда фируз (яъни бахт) фалаки руҳларини маҳлуқотни яратишга ҳайдайди... У куннинг энг саодатли соатлари Қўёш соатларидир. Унинг тонгида ёруғлик имкон борица (ерга) яқинлашади, одамлар унга қараш билан ўзларини бахтли санайдилар.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридан

Qishloq Qurilish Bank advertisement. Features text about rural construction services, interest rates for various deposits, and contact information. Includes an image of a clock and a piggy bank.

ASAKA BANK advertisement. Features text about bank services, interest rates, and contact information. Includes an image of a young girl in traditional dress.